

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАКАЕВ ЖАСУРБЕК НАЖМИДИНОВИЧ

**БОЛАЛАР ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИ КАСАЛЛИКЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ЭРТА
ТАШҲИСЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бакаев Жасурбек Нажмитдинович

Болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари ривожланиши
хавф омилларини аниқлаш, эрта ташҳислаш ва олдини олишга
комплекс ёндашув3

Бакаев Жасурбек Нажмитдинович

Комплексный подход к выявлению факторов риска развития,
ранней диагностики и профилактики заболеваний слизистой
оболочки полости рта у детей 25

Bakaev Jasurbek Nazhmidinovich

An integrated approach to identifying risk factors for development,
early diagnosis and prevention of mucosal diseases
oral membranes in children46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works50

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАҚАЕВ ЖАСУРБЕК НАЖМИДИНОВИЧ

**БОЛАЛАР ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИ КАСАЛЛИКЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ЭРТА
ТАШХИСЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Tib1047 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гаффоров Суннатулло Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алдашева Майа Ахметовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон)

Муртазаев Саидмуродхон Сайдиалоевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон
Давлат Тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Ўзбекистон Республикаси Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Ўзбекистон Республикаси Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Н.У. Нарзуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда болалик ва ўсмирлик ёшидаги стоматологик касалликлар инсонларнинг кейинги ҳаёти давомида соғлиқ ҳолатини кўп жиҳатдан аниқлаб беради. Стоматологик касалликлар ичида оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати (ОБШҚ) касалликлари алоҳида ўрин эгаллайди. Аниқланишича, «...сўнгги йилларда ОБШҚ яллиғланиш ва аллергия касалликларининг сони ортиши кузатилмоқда, касалликларнинг тарқалганлиги 3% дан 35% гачани ташкил қилади...»¹. Бу ҳам организмга таъсир қилувчи номақбул омиллар сонининг ортиши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг пасайиши билан боғлиқ. ОБШҚ касалликларининг оғирлиги ва тарқалиши этиологик омил табиати кучайиб бориш интенсивлиги билан боғлиқ. «...болаларда ОБШҚ касалликларининг оғирлик даражаси, тарқалишининг сабаби, этиологик омил табиати, унинг асоратланиш жадаллиги маҳаллий иммунитетга боғлиқлигини кўрсатди...»².

Жаҳон миқёсида аҳолининг, шу жумладан болаларнинг ОБШҚ касалликларининг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, эрта ташҳис қўйиш, даволаш ва олдини олиш учун янги ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, турли ёшдаги болалардаги тиш касалликларини қиёсий асослаш амалга оширилмоқда, жумладан ОБШҚ касалликлари, ривожланишнинг тиббий ва ижтимоий жиҳатлари, мактабдаги катта ёшли болалар орасида ушбу касалликларни эрта ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш мақсадга мувофиқдир. Бемор болаларда ОБШҚ касалликларида оғиз бўшлиғининг меъёрий микрофлораси ва маҳаллий иммунитетини ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш, шунингдек, мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, тиббий тизимни жаҳон соғлиқни сақлаш стандартлари талабларига мувофиқлаштиришга, иссиқ иқлимли минтақалардаги турли ёшдаги болаларда ОБШҚ касалликларини камайтиришга қаратилган бўлиб, бу эса ўз навбатида бир қатор вазифаларни белгилаб беради. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, патронаж ва тиббий кўрикнинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзи ва касалликларнинг олдини олиш...»³ каби вазифалар белгиланган.

1. Михальченко А.В., Медведева Е.А., Михальченко Д.В. Особенности структуры заболеваний слизистой оболочки полости рта у жителей Волгограда и Волгоградской области // Волгоградский научно-медицинский журнал. - 2016. №1. – С.3-7.

2. Лавровская Я.А. Особенности течения заболеваний слизистой оболочки полости рта на фоне хронического панкреатита (обзор литературы) // Журнал Гродненского медицинского университета. - 2015. - №3. - С.18-21.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ушбу вазифалар замонавий тиббий хизмат даражасини, турли ёшдаги болаларда ОБШҚ касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни янги босқичга кўтаришга ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланишни яхшилашга имкон беради. Мамлакатимизда болалар стоматологиясининг муҳим йўналишларидан бири бу хавф омилларини аниқлаш, турли ёшдаги болалардаги ОБШҚ касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 10 майдаги 5274-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича танқидий ўрганишни ташкил этиш ва таклифлар тайёрлаш тўғрисида»ги Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда инсонлар ҳаёт сифатини таъминлашда стоматологик соғлиқ ролининг муаммосига қизиқиш доимий ўсмоқда. Тиш-жағ-юз тизими турли аъзоларнинг муҳим функционал элементлари бирлашган тўплами сифатида беморларнинг жисмоний, ҳиссий, ақлий характеристикалари мажмуида катта рол ўйнайди (Новожилова Т.П., Мозговая Л.А., 2019). ОБШҚ меъёрий ҳолатини билиш, ундаги касалликларга аниқ ташхис қўйишнинг зарур шarti ҳисобланади. Болалар ва ўсмир ёшдаги текширилувчилар ўртасида стоматологик касалликнинг тузилиши ва интенсивлиги аниқланган ҳамда экологик, экзоген ва эндоген омилларнинг кариес ва окклюзия аномалиялари пайдо бўлишига таъсири кўрсатилган (Фирсова И.В. ва ҳаммуал., 2011).

ОБШҚ касалликлари патогенезида иммунологик механизмлар ҳам шубҳасиз катта рол ўйнайди. Оғиз бўшлиғи резистентлик ҳолатини аниқловчи омиллардан бири сўлак ҳисобланади (Ирсалиев Х.И. ва ҳаммуал., 2006; Гаврилова О.А., 2010; Sakalauskiene J. et al., 2005).

Ревматик касалликлари бўлган болаларда sIgA даражасининг пасайиши тишларда кўплаб кариес ривожланиши, шунингдек пародонт тўқимаси ва ОБШҚ яллиғланиш касалликлари ривожланиш хавфининг омили ҳисобланиши аниқлаб айtilган (Козлитина Ю.А. ва ҳаммуал., 2016).

Оддий герпес вируси билан болаларнинг зарарланиши 6 ойдан 5 ёшгача бўлганларда 60% ни, 15 ёшгача эса 90% ни ташкил этиши таъкидланган. Стоматология ихтисослиги учун ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин, чунки ҳар йили болаларнинг ўткир герпетик стоматит билан хасталаниши ортиб бормоқда (Тидген К.В. ва ҳаммуал., 2013).

Ўткир герпетик стоматит билан оғриган болаларда маҳаллий иммунитет ҳолатининг ўрганилиши бу патологик жараён кечуви билан яқин боғлиқлигини аниқлаб берди. Лизат бактерияларнинг аралашмаси иммун тизим фаоллигини оширган ҳолда, даволаш таъсирини кўрсатади, рецидивлар профилактикасини таъминлайди (Дроботко Л.Н., Страхова С.Ю., 2012). Педиатр ва стоматологлар ташҳисдаги йўл қўядиган хатолар таҳлили натижасида ОБШҚ нинг (ўткир герпетик стоматит, герпетик ангина) кенг тарқалган вирус касалликлари бўлган болаларни текширганда асосий клиник жиҳатлари аниқланган. Бемор болаларда анамнез тўпланиши, юз, лабларнинг вестибуляр юзаси, милк ва ОБШҚ нинг бошқа бўлимларини кўздан кечириш, шу жумладан ҳалқум соҳасининг кўриги, лимфатик тугунларнинг палпатор тадқиқоти ташҳислашда кўп маълумот беради (Забишний А.А., 2010).

Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида профилактик ёрдамни ташкил қилиш моделларида катта фарқ мавжуд, бу кўп мамлакатларда нафақат миллий, балки минтақавий даражада намоён бўлмоқда. Мавжуд тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, ҳатто ривожланган мамлакатларда 11 ёшгача бўлган болаларнинг 1/3 қисмидан ортиғи стоматологик хизматларнинг нархи юқори бўлганлиги туфайли стоматолог кўригида ҳеч қачон бўлмаган (Mertz, Glassman, 2011). Шунинг учун аҳолининг кенг қатламларига профилактика чораларини оммалаштириш вазифаси профилактика ёрдамни АҚШ (Dental Hygiene Diagnosis., 2010) ва Канададаги (Dental Hygiene at a Crossroads., 2009) ташкиллаштириш моделига ўзгартириш йўли билан ҳал қилиш мумкиндир, бу бир томондан, бой бўлмаган фуқаролар учун профилактика дастурларига очиқликни арзонлаштириш имконини беради, бошқа томондан эса стоматологлардан шу хизматни кўрсатиш бўйича маъсулиятни камайтиради.

Гигиенистлар тадқиқотларининг стандарти бўйича, бу дастурга профилактика чораларининг самарали режасини шакллантириш ва оғиз бўшлиғи гигиена ҳолатини яхшилаш, уни етарлича юқори даражада ушлаш учун беморларнинг мотивация даражасини ошириш мақсадида ижтимоий-психологик таҳлил назарияси маҳоратини эгаллашга йўналтирилган машғулотлар киритилган бўлиши лозим. Баъзи мамлакатларнинг мос келувчи ассоциациялари томонидан ишлаб чиқилган гигиенистлар ишининг стандартларида профилактика амалиётига компьютер ва интернет технологияларни тадбиқ қилиш вазифасига алоҳида урғу берилади (CDHA Code., 2012). Шунингдек, беморларнинг миллий масштабдаги мутахассисларга очиқ бўлган умумий стоматологик компьютер маълумотлар базасини яратиш муаммоси алоҳида эътибор талаб қилади, унга шунингдек, профилактика кўриклари, ўтказилган чоралар ва бошқа маълумотлар киритилади. Лекин ЖССТ (Oral Health Surveys., 2013) ҳисоботларига кўра,

бундай сўровлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида доимий асосда ўтказилмайди, бу аҳолининг эҳтиёжларига давлат профилактика дастурлари мос бўлмаслигининг сабаби ҳисобланади (Соколович Н.А., 2017).

Муаммонинг тарқалиши, профилактикаси, микробиологик ва иммунологик жиҳатлари етарлича ўрганилмаган, айниқса қишлоқ аҳолиси ва болалар ўртасида ОБШҚ касалликларининг профилактикаси бўйича самарали ва ишончли ишланмалар кам. ОБШҚ касалликларининг профилактик чоралари, яшаш ҳудуди, экологик омиллар, оғиз бўшлиғи меъёрий микрофлораси, маҳаллий иммунитет ҳолати, хавфли омиллари охиригача ўрганилмаган, бу эса ўз навбатида стоматологик хизмат самарадорлигини пасайтирган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг 03.2019PhD.026-сон «Бухоро минтақасида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш» (2017–2021 йиллар) илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Болаларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари шаклланиши ва ривожланиши хавф омилларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва олдини олишга комплекс ёндашувдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

катта мактаб ёшдаги болаларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари ривожланишининг асосий хавф омилларини ҳамда уларнинг оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари билан боғлиқлигини хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш;

текширилган болаларнинг ёши ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларини инобатга олган ҳолда, оғиз бўшлиғи клиник-функционал ҳолатини қиёсий аниқлаш;

соғлом ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари бўлган болаларда оғиз бўшлиғи меъёрий микрофлораси ва маҳаллий иммунитет кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари бор катта мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот ўтказиш учун Бухоро шаҳри ва унинг атрофида доимий яшовчи, 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган 1961 нафар болалар ўрганилди. Шулардан 210 нафар соғлом ва 81 нафар ОБШҚ касалликлари бор болаларда оғиз шиллиғида микробиологик ва иммунологик тадқиқотлар ўтказилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ота-оналар ва болалардан йиғилган ижтимоий сўровнома материаллари, оғиз бўшлиғи тўқима ва аъзолари; тишлар, шиллик қават, пародонт тўқимаси, оғиз бўшлиғи суюқлиги ва тиш-милк чўнтагидаги озиқа қолдиқларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажариш давомида клиник, функционал, стоматологик, микробиологик, иммунологик, тиббий-ижтимоий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

катта мактаб ёшидаги болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари ривожланишининг асосий хавф омиллари аниқланган ва уларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларига боғлиқлиги баҳоланган;

текширилган болаларнинг ёши ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини инобатга олган ҳолда оғиз бўшлиғининг клиник-функционал ҳолати қиёсий аниқланган ва баҳоланган;

оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг шартли-патоген ва патоген микроорганизмлар билан колонизация қилиниши ва дисбиоз келтириб чиқаришининг қўшимча ташҳисий ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари якуни истикболини белгиловчи мезонлар сифатида фойдаланиш учун тавсия этилиши белгиланган;

болаларда оғиз бўшлиғи махсус бўлмаган резистентлик омиллари миқдорий дисбаланси оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида патологик жараён ривожланиши натижаси бўлиб, бу ҳолатни эрта ташхислашнинг қўшимча мезони сифатида фойдаланиш тавсия этилган;

оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари аниқланган катта мактаб ёшидаги болаларнинг стоматологик муаммоларга боғлиқ ҳолдаги ҳиссий, ижтимоий ҳолатлар ва оилавий фаровонлиги уларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари ривожланиши хавф омиллари ва касалланиш даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш ушбу касалликларни олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини берган;

оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари ривожланишининг аниқланган иммуно-микробиологик хусусиятлари болалардаги ушбу патологияни даволашни оптималлаштириш имконини берган;

стоматологик муаммоларга боғлиқ ҳолдаги ҳиссий, ижтимоий ҳолатлар ва оилавий фаровонлик оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари кузатилган катта мактаб ёшидаги болалари ҳаёт сифатини баҳолашни оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти катта мактаб ёшидаги болаларда ОБШҚ касалликлари ривожланишининг асосий хавф омиллари аниқланганлиги, улар оғиз бўшлиғи клиник-функционал ҳолати қиёсий баҳоланганлиги, ОБШҚнинг шартли-патоген ва патоген микроорганизмлар билан колонизация қилиниши ва дисбиоз келтириб чиқаришини кўшимча ташҳисий ва касаллик якуни истиқболлини белгиловчи мезонлар сифатида фойдаланиш учун тавсия этилганлиги, махсус бўлмаган резистентлик омиллари миқдорий дисбаланси оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида патологик жараён ривожланиши натижаси бўлиб, бу ҳолатни эрта ташҳислашнинг кўшимча мезони сифатида фойдаланиш тавсия этилганлиги, катта мактаб ёшидаги болаларнинг стоматологик муаммоларга боғлиқ ҳолдаги ҳиссий, ижтимоий ҳолат ва оилавий фаровонлиги уларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир қилиши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда ОБШҚ касалликлари ривожланиши хавф омиллари, уларнинг касалланиш даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш ушбу касалликларни олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини берганлиги, аниқланган иммуно-микробиологик хусусиятлар болалардаги ушбу патологияни даволашни оптималлаштириш имконини берганлиги, стоматологик муаммоларга боғлиқ ҳолдаги ҳиссий, ижтимоий ҳолатлар ва оилавий фаровонлик ОБШҚ касалликлари кузатилган катта ёшдаги мактаб болалари ҳаёт сифатини баҳолашни оптималлаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда ОБШҚ касалликлари ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, эрта ташҳислаш ва профилактикасига мажмуавий ёндашув бўйича олиб борилган илмий натижалар асосида:

«Болаларда стоматологик касалликларни скринингли текшириш усуллари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 8н-р/137-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мактаб ўқувчилари орасида стоматологик касалликлар ривожланиш истиқболлини белгилаш, касалликни олдини олиш имконини берган;

«Болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини текшириш алгоритми» услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 8н-р/137-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОБШҚ касалликлари кузатилган болаларни текширишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш имконини берган;

Болаларда ОБШҚ касалликларини эрта ташҳислаш, клиник асослаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Вобкент, Ғиждувон стоматологик поликлиникаларда, Когон шаҳар стоматологик касалликлар поликлиникаси ва Бухоро вилоят стоматология поликлиникасида амалий фаолиятга тадбиқ этилган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 8н-д/59-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ОБШҚ касалликлари кузатилган болалар орасида касаллик ривожланиши хавф омиллари, эрта ташҳиси ва профилактикасига мажмуавий ёндошишни, уларни текширишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан ва иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларининг хавф омиллари, эрта ташҳиси ва профилактикасининг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг мактаб ёшидаги болалар орасида ОБШҚ касалликларининг этиологияси, патогенези, касаллик тарқалишининг таҳлилий омиллари ва олдини олишнинг самарали усуллари ёритилган, илмий тадқиқот ишлари батафсил муҳокама қилинган. Асосий эътибор замонавий усулларга қаратилган, шунингдек болалар орасида ОБШҚ касалликларининг олдини олишнинг профилактикаси эндо- ва экзоген жиҳатларига қаратилган.

Диссертациянинг «**Болаларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари ривожланиши хавф омилларини аниқлаш, эрта ташҳислаш ва олдини олишга мажмуавий ёндашув бўйича тадқиқотнинг ҳажми ва дизайни**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усуллари таъриф берилган.

Биринчи босқичда тадқиқотнинг объекти ва ҳажми танланган, барча тадқиқотлар тасодифий олинishi этиборга олинган, ёш-жинс фарқи, соғлом ва ОБШҚ билан касалланган беморлар гуруҳи ўзаро репрезентатив бўлган.

Иккинчи босқичда болаларда ЖССТ (2005) мутахассисларининг тавсиялари бўйича стоматологик ҳолат аниқланган. Бунинг учун 48 банддан иборат бўлган махсус «Болани стоматологик текширув картаси» ишлаб чиқилган (ЎзР ССВ томонидан 25.06.2018 йилда рўйхатга олинган, 0467-сон ахборот хати). Бундан ташқари, тиббий-ижтимоий жиҳатлар (боланинг ҳиссий, ижтимоий ҳолатлари ва оила фаровонлиги) стоматологик ҳолатнинг болалар ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш учун сўров-анкета ёрдамида ўрганилган - JohnM.T. (2002) таклиф қилган Oral Health Related Quality of Life (OHRQoL) ва Яриева О.О. (2019) модификациясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида 210 та соғлом ва 81 та ОБШҚ касаллиги бўлган болаларда уларнинг оғиз суюқлигидан фойдаланиб, иммуно-микробиологик тадқиқот ўтказилган. Тадқиқотнинг барча босқичларини бажариш давомида тадқиқотни ўтказишга ҳалал берувчи ҳолатлар, тадқиқотнинг ишончлилиги ва тўғрилигига таъсир қилувчи омиллар кузатилмаган.

Тадқиқот ўтказиш учун Бухоро шаҳри ва унинг атрофида доимий яшовчи 12 ёшдан 18 ёшгача болалар ўрганилган. Контингент танлови ушбу тадқиқот мавзуси, шунингдек Бухоро вилояти болаларида стоматологик касалликлар, шу жумладан ОБШҚ касалликлари ривожланишининг минтакавий муаммолари борлиги билан боғлиқ. Шу мақсадда ўрта таълим мактабларида (ЎТМ) ўқувчи 1961 нафар бола текширилган. Барча болалар кўйидаги ёш гуруҳларига тақсимланган: 12-14 ёш (n=1015, 51,8%); 15-18 ёш (n=946, 48,2%). Тадқиқотга жалб қилинган ўғил ва қиз болалар сони ўзаро ишонарли фарқ қилмаган - мос равишда 1009 (51,5%) ва 952 (48,5%) болага тенг бўлган.

Тадқиқот ўтказиш давомида Жаҳон Тиббиёт Ассоциациясининг Хелсинки Декларацияси (Хельсинки, 1964; сўнги қўшимчалар Сеул, 2008) асосида болалар ва уларнинг ота-оналарини жалб қилиш билан тиббиёт тадқиқотларининг барча этик тамойилларига риоя қилинган.

Кўрик бола, унинг ота-онаси ёки яқин қариндошларини (бува ва буви) сўраб-суриштиришдан бошланган. Бундан ташқари, стоматологик ҳолат ўрганилганида кўйидаги жиҳатлар этиборга олинган: тиш эмали, дентин ўзгаришлари, тишларнинг ўлчами, шакли, сони, жағ ўлчамидаги аномалиялар, шунингдек уларнинг бош суюқлигидаги жойлашуви, адентия, диастема, юганнинг ҳолати, оғиз бўшлиғи кичиклиги, юқори лабнинг туғма бирлашмаслиги, алвеоляр ўсма, қаттиқ ва юмшоқ танглай, дизостозалар. Тиш ҳолатини баҳолаш учун ЖССТ мутахассислар тавсия қилган кўрсаткичлар қўлланилган.

Вақтинча чайнаш даврида тиш кариесининг интенсивлигини кп индекси, алмашиб чайнаш даврида кп+КПУ индекси, доимий чайнаш даврида КПУ ёрдамида аниқланган. Пародонт тўқималарининг ҳолати КПИ пародонтал

индекси ёрдамида ўрганилган (Леус П.А., 1988). Болалар оғиз бўшлиғининг гигиена ҳолати Федоров-Володкина индекси ва оғиз бўшлиғи гигиенасининг содда индекси IGR-U (Green J.C., Vermillion J.R., 1964) ёрдамида баҳоланган. Оғиз бўшлиғида гигиеник ҳолатнинг кўшимча баҳоланиши оғиз бўшлиғининг гигиеник индекслари ёрдамида ўтказилган: CPITN; PMA (Schour, Massler); GI (Loe, Silness); OHI-S (Green, Vermillion); Силнес-Лоу (Silness, Loe) va tishlarning emal-rezistentlik (TER) testi. Қаварик намунаси ОБШҚ яширин шиш ҳолати ва тўқималар гидрофиллигини аниқлаш учун қўлланилган. Шиллер-Писарев намунаси милк яллиғланишининг интенсивлигини аниқлаш учун қўлланилган. Ясиновский намунаси ОБШҚ орқали лейкоцитлар эмиграцияси ва ажралган эпителий миқдорини баҳолаш учун ўтказилган. Кулаженко бўйича милк капиллярларининг турғунлигини аниқлаш вакуум наконечник диаметри ва манфий босимнинг доимий параметрларида милк шиллиқ қаватида гематома ҳосил бўлиш вақтининг ўзгаришига асосланган.

Биологик материалнинг тўпланиши ва унинг бактериологик лабораторияга етказилиши анъанавий усулларга кўра амалга оширилган. Биологик материалнинг (оғиз суюқлиги) экилиши Голд бўйича ўтказилган. Кейинги идентификация Bergy's Manual Systematic Bacteriology (1997) бўйича ўтказилган.

Текширувга жалб қилинган соғлом ва бемор болаларнинг қон зардобидида уч асосий А, М, G (IgA, IgG, IgM) иммуноглобулинлари синфлари концентрациясининг аниқланиши Манчини бўйича умум қабул қилинган радиал иммунодиффузия усули бўйича ўтказилган (1964). Қон зардобидида умумий IgE даражасининг аниқланишини «Вектор Бест» фирмасида ишлаб чиқарилган тест-тизим ёрдамида йўриқномага биноан қаттиқ фазали иммунофермент анализ (ИФА) усули билан ўтказилган. sIgA миқдори ИФА усули билан анъанавий усулда аниқланган. Сўлақда лизоцимнинг аниқланиши Бектимиров А.М-Т. ва Адиллов Ш.К. (1987) модификацияси бўйича Каграманова К.А ва Ермольева З.В (1966) усули ёрдамида ўтказилган. Лактоферрин даражаси «Вектор Бест» (РФ) фирмаси ишлаб чиқарган тест-тизим ёрдамида икки қаватли қаттиқ фазали ИФА да аниқланган. Милк суюқлиги ҳужайра таркибини аниқлаш учун Леонов Л.Э. ва ҳаммуал. (2002) томонидан таклиф қилинган усулдан фойдаланилган.

Материалнинг статистик ишланиши анъанавий вариацион статистика усули билан амалга оширилган. Олинган натижалар Стюдент ва Фишер бўйича тиббиёт-биологик тадқиқотлар учун умум қабул қилинган статистик усуллар билан ишланган. Барча тадқиқотлар персонал компьютерда тиббиёт-биологик тадқиқотлар учун дастурлар ёрдамида ўтказилган. Тадқиқотларнинг ташкил қилиниши ва ўтказилишида далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига риоя қилинган.

Диссертациянинг «**Қатта мактаб ёшидаги болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида касаллик ривожланиш хавфининг асосий омиллари аниқланиши**» деб номланган учинчи бобида стоматологик касалликларнинг,

жумладан мактаб ёшидаги болаларнинг оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари, жумладан касаллик ривожланиш хавфининг асосий омилларининг аниқланиш хусусиятлари берилган.

Болалар аксарият ҳолатларда ЎРВИ (95,4%, n=1870), ЛОР аъзолари касалликлари (24,9%, n=488) ва дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотларига аллергик реакциялардан (11,0%, n=216) азият чекканлиги белгиланган. Болаларнинг мактабда ўзлаштириши, болаларнинг жисмоний тарбия ва спортдаги муваффақиятлари, ота-оналарининг алкоғол истеъмол қилиш, тамаки ва «нос» чекиши, ота-оналарида қариндошлик бўлиши каби омиллар болаларда ОБШҚ касалликларининг келиб чиқиши ва ривожланиши билан боғлиқ эмаслиги аниқланган. Шу сабабдан бу омиллар болаларда ОБШҚ касалликларининг келиб чиқиш хавф омилларидан чиқарилган. Қиёсий таҳлил, болаларда ОБШҚ касалликларининг келиб чиқиш хавф омиллари орасида онанинг хомиладорлик вақтидаги касалликлари, токсикоз бўлиши, онанинг дори воситалари, шу жумладан хомиладорлик вақтида антибиотиклар қабул қилганлиги аниқловчи жиҳат ҳисобланмаслигини кўрсатган.

Болаларнинг табиий ва сунъий озиқланишининг қиёсий таҳлили бу параметрлар ҳам болаларда ОБШҚ хасталикларининг ривожланиши билан амалий жиҳатдан боғлиқ эмаслигини кўрсатган.

Жами 1249 нафар ўқувчининг (63,7%) ўқиш жойида стоматолог шифокорнинг борлиги, 36,3% ҳолатда (n=712) ўқиш жойида стоматолог шифокорининг йўқлиги аниқланган. Текширилаётган болаларнинг 1/3 қисмида мактаб стоматолог шифокори йўқлиги текширилаётган болаларда стоматологик касалликлар, шу жумладан ОБШҚ касалликлари бўйича профилактик чоралар ўтказилмаётганлигини кўрсатган. Тадқиқотларда текширилганлар орасида фақатгина 137 нафар бола (7,0%) стоматолог шифокорининг диспансер назоратида бўлган, 1824 нафар ўқувчи (93,0%) мактаб стоматолог шифокорининг диспансер назоратида бўлмаган.

Бундай паст қамровнинг асосий сабаби, болалар асосан стоматологик касалликлар, шу жумладан ОБШҚ касалликлари ривожланганидан сўнг ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги ҳисобланган. Профилактика чоралари, шу жумладан доимий оммавий профилактик кўриклар деярли ўтказилмаган, шу сабабдан касалликнинг ҳақиқий суратини аниқлашнинг имкони бўлмаган. Ушбу факт болаларнинг оғиз бўшлиғида қаттиқ ва юмшоқ тўқималарнинг шикастланиш масштабини билмасдан туриб, мактаб ёшидаги катта болаларда стоматологик касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика чораларини кўриш деярли имконсизлигини кўрсатган.

Бошқа томондан, ташкилий контингент учун доимий оммавий стоматологик кўрикларни ўтказиш учун катта маблағ, кўп сонли мутахассислар иштироки зарур, ушбу тадбирни ўтказиш бўйича улкан ташкилий қийинчиликлар мавжуд, шунингдек олинган натижаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш учун кўп вақт талаб этилади.

Ушбу кийинчиликларни эътиборга олиб, катта мактаб ёшидаги болаларда стоматологик хасталиклар, шу жумладан ОБШҚ касалликларининг профилактикасига бошқача ёндашув таклиф қилинган.

Болаларда ОБШҚ касалликлари шаклланиши ва ривожланишининг турли хавф омилларини аниқлашга комплекс ёндашув таклиф қилинган. Истисно йўли билан энг аҳамиятли хавф омилларини қолдириш ва катта мактаб ёшидаги болалар учун ушбу хавф омиллари мавжудлиги ва интенсивлигидан келиб чиқиб профилактика чораларини режалаштириш зарур. Бу хавф омилларининг аниқланиши болаларда ОБШҚ касалликларининг олдини олиш учун профилактика чораларини ўтказиш имконини берган.

Кейинчалик текширилган болаларнинг тиш-жағ тизимида яллиғланиш касалликлари бўлганлиги таҳлил қилинган. Олинган натижалар, текширилган болаларнинг тиш-жағ тизимидаги яллиғланиш касалликлари ўртасида энг кўп пулпитлар учраганлигини кўрсатган - 731 ҳолатда (37,3%). Бундан ташқари, текширилган болаларда, шунингдек периодонтитлар (3,3%, n=65), абсцесс ва флегмоналар (0,4%,n=8), периоститлар (0,7%, n=14) аниқланган.

Тишнинг қаттиқ тўқималари ҳолати ўрганилганилиши 1788 (91,2%) ҳолатда болалар тишининг қаттиқ тўқимаси ўзгармаганлигини (гипоплазия йўқ) кўрсатган, 153 (7,8%) ҳолатда тишлар гипоплазияси аниқланган. Текширилган катта мактаб ёшидаги болаларда ОБШҚ ҳолатининг кўрсаткичлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Текширилганларнинг асосий контингентиде ОБШҚ зарарланиш аломатлари аниқланмаган (78,7%, n=1544). Бундан ташқари, гингивитлар текширилган болаларнинг 296 нафариде (15,1%) аниқланган. Кейинги ўринларни стоматит (6,0%, n=117) ва оғиз бўшлиғи кандидози (0,2%, n=4) каби нозологик бирликлар эгаллаган(1-жадвал).

1- жадвал

Текширилган катта ёшдагимактаб болаларида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини ҳолатининг параметрлари

Кўрсаткичлар	Абс	%
Зарарланиш аломатлари йўқ	1544	78,7
Гингивит	296	15,1
Стоматитлар	117	6,0
Оғиз бўшлиғининг кандидози	4	0,2

Болаларда ушбу ОБШҚ касалликларининг учраши бўйича оммавий стоматологик тадқиқотларда олинган кўрсаткичлар Бухоро вилоятида тадқиқот ўтказган бошқа муаллифларнинг маълумотларига яқин бўлган [Гаффаров С.А. ва ҳаммуал., 2018; Яриева О.О., 2019].

Оғиз бўшлиғи, шу жумладан тишлар ва ОБШҚ нинг умумий ҳолатини, шунингдек Яриева О.О. (2019) таклиф қилган шкала бўйича, уни оммавий стоматологик тадқиқотларда болаларда ОБШҚ ҳолатига мослаштирган ҳолда баҳоланган: «яхши ҳолат» (патологик ўзгаришларсиз, ОБШҚ функцияси сақланган); «қониқарли ҳолат» (патология олди ҳолат мавжуд, ОБШҚ

функцияси сақланган); «қониқарсиз ҳолат» (патологик ҳолат бор, ОБШҚ функцияси қисман сақланган).

Катта мактаб ёшдаги болаларида оммавий стоматологик тадқиқотлар натижасида аниқланган ОБШҚ ни баҳолаш кўрсаткичларининг параметрлари 2- жадвалда келтирилган.

2 - жадвал

Болаларда оммавий стоматологик тадқиқотларда ОБШҚ ҳолатини аниқлашнинг қиёсий параметрлари, n=1961

ОБШҚ ҳолати	Текширилган болаларнинг ёши				Жами	
	12-14 ёш		15-18 ёш		Абс	%
	Абс	%	Абс	%		
«Яхши»	324	16,5	200	10,2	524	26,7
«Қониқарли»	505	25,8	515	26,3	1020	52,0
«Қониқарсиз»	186	9,5	231	11,8	417	21,3

Олинган натижалар текширилган 12-14 (n=1015) ёшли болаларда аксарият ҳолатларда ОБШҚ нинг «қониқарли ҳолати» белгиланганлигини кўрсатган (25,8%, n=505). Ҳар ўнинчи болада (9,5%, n=186) оғиз бўшлиғи, шу жумладан ОБШҚ нинг қониқарсиз ҳолати аниқланганлиги эътиборни тортган. Бу маълумотлар текширилган болаларда оғиз бўшлиғи ОБШҚ да патологик ҳолат мавжудлиги билан тўлиқ мос келган.

Навбатдаги босқичда текширилган болаларда оғиз бўшлиғи гигиенасини ўрганиш бўйича олинган рақамлар таҳлил қилинган. 27,7% ҳолатда (n=543) оғиз бўшлиғининг гигиенаси «яхши», 1347 нафар текширилувчида эса (68,7%) у «қониқарли» бўлганлиги аниқланган, бундан ташқари 71 ҳолатда (3,6%) у «қониқарсиз» баҳоланган.

Оғиз бўшлиғи гигиенасининг ҳолати ва ОБШҚ да патологик жараён ривожланиши ўртасида болаларнинг иккала ёш гуруҳида ҳам яқин, бевосита боғлиқлик аниқланган - 12-14 ёш ($p=0,51$) ва 15-18 ёшли болалар ($p=0,64$), бунда болалар қанча катта бўлса, таққосланаётган кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик шунча яқинлигини кўриш мумкин. Шу сабабдан, оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолатидан катта мактаб ёшидаги болаларда ОБШҚ касалликлари ривожланишининг хавф омили сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида болаларда оғиз бўшлиғининг клиник ва функционал ҳолати параметрлари ОБШҚ касалликларининг ёши ва мавжудлигига қараб ўрганилган ва қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўтказилган: гигиена кўрсаткичи (ГИ), периодонтал индекс (ПИ), Шиллер-Писарев намунаси (ШПН), Кулаженко намунаси (КН), Ясиновский намунаси (ЯН), Қаварик намунаси (ҚН). Тадқиқотлар ёш гуруҳлари (12-14 ёш, n=105; 15-18 ёш, n=105) ва соғлом (n=210) ва касал болалар (n=81) ўртасида таққосланувчи йўналишда олиб борилган (3-жадвал).

ОБШҚ касалликлари бўйича текширилганларда оғиз бўшлиғининг клиник-функционал ҳолатини баҳолаш натижалари (%).

Кўрсаткичлар		Меъёр	Соғлом болалар	ОБШҚ касалликлари
Гигиеник индекс, балл		1	4,1±0,02	5,0±0,1
Пародонт индекси, балл		0-1	3,3±0,04	5,0±0,09
Шиллер-Писарев намунаси, %		0	40,8±1,1	50,3±1,8
Кулаженко намунаси, сония		50-60	38,6±1,4	19,8±1,9
Ясиновский намунаси, 1 мкл да	Лейк	80-120	91,4±3,3	124,6±4,1
	ЭҲ	25-100	47,8±2,0	109,8±4,4
Қавариқ намуна, дақиқа		25-60	33,6±1,6	15,6±0,7

Эслатма: Лейк – 1 мкл да лейкоцитлар; ЭҲ – эпителиал ҳужайралар.

Турли ёшдаги болалардаги оғиз бўшлиғи клиник ва функционал ҳолатининг ўрганилган 6 параметрларидан 3 кўрсаткичи (ГИ, ПИ, ФСП) меъёр кўрсаткичлардан ишонарли юқори бўлган ($P < 0.05$), 1 кўрсаткич (ПК) меъёрдан паст бўлган, қолган 2 параметр (ЯН, ҚН), ёш гуруҳидан қатъий назар, меъёр даражасида бўлган ($P > 0.05$).

Агар ёш оралиғидаги фарқларни таҳлил қилсак, ГИ, ПИ ва ШПН кўрсаткичлари бир-биридан кескин тафовут қилмаган, аммо сезиларли даражада фарқланганлигини кўриш мумкин: ҚН, ЯН ва ҚН нафақат меъёр диапазонда бўлибгина қолмай, балки ёш тоифалари ўртасида ҳам фарқ қилмаган.

ОБШҚ касаллиги бўлмаган ва болалардаги оғиз бўшлиғининг клиник ва функционал ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатган, тадқиқот гуруҳлари орасидаги фарқлар аниқ ва барча 6 параметрларга боғлиқ ($P < 0.05$).

Агар ОБШҚ касаллиги бўлган болаларда ГИ даражаси 1,2 мартага кўпайган бўлса, ПИ 1,5 мартага кўпайган ($P < 0.05$). ОБШҚ касаллиги билан оғриган болаларда ПК даражаси 2,0 мартага пасайган ($P < 0.001$) ва ҚН параметрида ҳам пасайган (2,2 марта, $P < 0.001$).

ҚН кўрсаткичи нафақат ОБШҚ патологияси бўлган болаларнинг кўрсаткичидан, балки меъёрдан паст бўлган ($P < 0.001$). ЯН кўрсаткичи, аксинча ОБШҚ касаллиги бўлган болаларда нафақат ОБШҚ патологияси бўлган болаларга нисбатан (мос равишда ўсиш 1,4- ва 2,3 баравар, $P < 0.05$ - $P < 0.001$), балки меъёрий қийматларга нисбатан ҳам ошган ($P < 0.05$ - $P < 0.001$).

Диссертациянинг «Соғлом ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари бўлган бемор болаларда оғиз бўшлиғи меъёрий микрофлораси ва маҳаллий иммунитет кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида соғлом ва ОБШҚ касалликлари бўлган бемор болаларда оғиз бўшлиғи меъёрий микрофлораси ва маҳаллий иммунитет кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги баҳоланган.

Қўйилган вазифани бажариш учун 12-18 ёшли катта мактаб ёшидаги 210 нафар соғлом ва 81 нафар ОБШҚ касаллиги бўлган бемор болалар

текширилган. Ўтказилган микробиологик тадқиқотлар, текширилган катта мактаб ёшидаги соғлом болалар оғиз бўшлиғида нафақат меъерий микрофлора вакиллари, балки шартли-патоген микрофлора (ШПМ) вакиллари ҳам пайдо бўлганлигини кўрсатган. 12-14 ёшли болаларда меъерий микрофлора вакилларининг солиштирма даражаси сифат ва сон жиҳатдан ШПМ солиштирма даражасидан юқори бўлган.

12-18 ёшли болаларнинг умумий сонидан микроорганизмларнинг турли 887 штамми ундириб олинган, бу ҳар бир текширилувчига ўртача 4,2 штамм тўғри келишини кўрсатган. Агар бу параметр 12-14 ёшли болаларда ўртача 4,3 штаммга тенг бўлган бўлса (105 нафар текширилган болага 453 та штамм), унда ушбу кўрсаткич 15-18 ёшли болаларда амалий жиҳатдан шу даражада бўлган – 105 нафар текширилган болага 434 штамм (бир текширилган болага ўртача 4,1 та штамм) тўғри келган.

Иккала ёш гуруҳидаги болаларда кўпинча *Streptococcus* spp нинг патоген бўлмаган вакиллари пайдо бўлганлиги аниқланган – 12-14 ёшли 105 нафар боладан 87 нафариди (82,9%) ва 15-18 ёшли 105 нафар боладан 71 нафариди (67,6%) кузатилган. Кейинги ўринларни *Veilonella* spp (мос равишда текширилган болаларнинг 72,4% ва 68,6% иди), патоген бўлмаган *Neisseria* spp (мос равишда 35,2% ва 30,5% иди), *Actinomyces* spp (мос равишда 35,2% и 30,5% болада) эгаллаган.

Катта ёшдаги соғлом мактаб болаларининг оғиз бўшлиғида микроб пейзажини ўрганиш бўйича олинган натижалар қиёсий таҳлилида қуйидаги ўзига хосликлар аниқланган: оғиз бўшлиғи меъерий микрофлораси вакиллари 15-18 ёшли соғлом болалар билан таққосланганда, 12-14 ёшли соғлом болаларда кўпроқ пайдо бўлган; ШПМ штаммлари 12-14 ёшдаги соғлом болалар билан таққослаганда 15-18 ёшли шу параметрдаги болаларда кўпроқ аниқланган; анаэробларнинг биологик материалдан пайдо бўлиши бўйича (*Bacteroides* spp и *Peptostreptococcus* spp) бир хил натижалар олинган; *Candida* авлоди замбуруғлари оғиз бўшлиғи биоматериалларида 15-18 ёшли гуруҳ билан таққослаганда, ёшроқ болаларда (12-14 ёш) нисбатан кўпроқ аниқланган.

Оғиз бўшлиғидаги микроорганизмлар кўпроқ монокультура кўринишида эмас, кўпроқ микроорганизмлар ассоциациялари сифатида унган (275 штаммга қарши 612 штамм, фарқ 2,2 марта). Монокультурага нисбатан микроорганизмларнинг ассоциацияси сифатида кўпроқ *Lactobacillus* spp (фарқ 13,0 марта), патоген бўлмаган *Streptococcus* spp (фарқ 7,7 марта), *Actinomyces* spp (фарқ 4,6 марта), патоген бўлмаган *Streptococcus* spp (фарқ 4,2 марта), *Veilonella* spp (фарқ 3,1 марта), *Candida* spp (фарқ 2,0 марта) ва бошқалар аниқланган.

Навбатдаги босқичда катта мактаб ёшидаги соғлом ва ОБШҚ билан касалланган болалар оғиз бўшлиғида микроб пейзажи тўғрисидаги маълумотлар қиёсий таҳлили амалга оширилган (4-жадвал). ОБШҚ касалликлари бўлган болаларда бир хил ёшдаги болаларнинг параметрлари билан таққослаганда, меъерий микрофлора вакиллари кўпроқ учраган.

